

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

• Таълим ва маданият вазирлиги ўқув йили

ТАЪЛИМ ТАЪЛИМ ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
таълим ва маданият вазирлиги ўқув йили, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича
хўш-ҳаётли барқарорлик факультети Мухоммадпурсултон ахунзода
2021 йил «25» _____ да 365 - сонда йўналишнинг малака талаблари
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2021 йил «25» _____ да 365 - сонда бўйруқи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб
чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш бакалаврият таълим
йўналишининг малака талаблари**

Маъмур Матрица таълими "Олий таълим йили" қўшимча стандарт
"Олий таълим йили" қўшимча стандарт ва мутахассислик
классификатори", Ўзбекистон Республикаси "Олий таълим йили" қўшимча
мутахассислик классификатори ва рақамли маълумот асосида.

Ўзбекистон Республикаси таълим ва маданият вазирлиги рақамли
таълим йили Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг тасдиқланган.

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий, ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «15» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув варағи.....	

1. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш – “Ишлаб чиқариш ва ишлов бериш” таълим соҳасидаги йўналиш бўлиб, металлларга механик ишлов бериш технологиясини тузиш ва янги технологияларни яратиш, металлларга механик ишлов бериш машиналари ва жиҳозларини яратиш, сошлаш, ишга тушириш, техник хизмат кўрсатиш, эксплуатация

килиш, диагностика ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва бажариш ҳамда детал ва узелларга механик ишлов бериш усуллари билан ишлаб чиқариш технологик жараёнларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

металларга механик ишлов беришда қўлланиладиган ишлаб чиқариш машиналари, технологик жиҳозлари ва асбобсозлик техникаси объектлари, металларга механик ишлов беришдаги технологик жараёнлар, уни ишлаб чиқиш ва янги технологияларни ўзлаштириш, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлаштириш тизими ва сертификатлаш, металларга механик ишлов беришда технологик жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари, машинасозликнинг норматив ва техник ҳужжатлари, материал ва буюмларни сертификатлаш ва сертификатлаш жараёнлари, техника ва технологик жараёнларни сертификатлаш, техник хавфсизлик ва инсон хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳужжатларини юритилиши.

60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалавриат битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриатнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот;
- лойиҳавий-конструкторлик;
- фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш;
- ташкилий-бошқарув.

1.2.4. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

машинасозлик технологиясини амалиётга татбиқ этиш, машиналар ва автоматлаштирилган линияларни синовдан ўтказишда зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;

илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

ҳўжалик юритувчи субъектларни замонавий бошқариш тизимини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида

механик ишлов беришда қўлланиладиган асбоб-ускуналар, технологик машиналари ва жиҳозлари ишчи параметрлари ва ишчанлик қобилятини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш;

амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартлари ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш фаолиятида

металларга механик ишлов бериш бўйича буюмларни ишлаб чиқариш;

металларга механик ишлов бериш бўйича буюмларини лойиҳалаш учун дастлабки ахборот маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш;

техник топшириққа мувофиқ детал ва машинасозлик конструкцияларини узелларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш ҳамда лойиҳалашнинг автоматлаштирилган стандарт воситаларини қўллаш;

металларга механик ишлов бериш бўйича буюмларни тайёрлашда технологик шартларга риоя қилинишини назорат қилиш;

иш ўринларни ташкил қилиш ва уни технологик жиҳозларини жойлаштириш билан техник жиҳозлаш;

компьютер технологиялари ва дастурланиши;

ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун технологик жиҳозларга хизмат кўрсатиш;

ишлаб чиқариш участкаларида технологик жараёнларни сифатини менеджменти техник ҳужжатларини тайёрлаш;

технологик ва ностандарт жиҳозларни конструкциясини яратишда ахборот технологияларидан фойдаланиш;

фаолият объектларининг ҳолатини таҳлил қилиш;

технологик тизимлар ва ускуналар синовини ўтказиш методикасини ишлаб чиқишда қатнашиш.

замонавий қайта ишлаш технологик жараёнларни куллаш ва уни ривожлантириш йулларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

механик ишлов беришда қўлланиладиган асбоб-ускуналар, машиналар ва механик ишлов беришнинг намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

участка, цех, бўлим технологи бўлиб ишлаш, амалдаги ишлаб чиқариш цехини эксплуатация қилиш;

хом ашё, ёрдамчи материаллар ва маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш;

ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;

технологик схемаларни таҳлил қилиш ва технологик параметрларни ҳисоблаш;

амалдаги технологик асбоб-ускуналарнинг ишлашини таъминлаш, уларни яроқли ҳолатда ушлаб туриш ва қайта тиклаш;

касбий этика кодексига риоя қилиш;

бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;

асбоб-ускуналар, курилмалар, механизмлар ва жиҳозлар, уларнинг ишчи қисмлари параметрлари ва иш ҳолатини ташхис синовларидан ўтказиш;

касбий этика кодексига риоя қилиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорларини қабул қилиш;

бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш;

ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

2. 60720800 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- корпоратив ахборот тизимларини, статистик таҳлил ва ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;
- соҳада бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;
- металлларга механик ишлов бериш бўйича буюмларни ишлаб чиқариш;
- металлларга механик ишлов бериш бўйича буюмларини лойиҳалаш учун дастлабки ахборот маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш;
- техник топшириққа мувофиқ детал ва машинасозлик конструкцияларини узелларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш ҳамда лойиҳалашнинг автоматлаштирилган стандарт воситаларини қўллаш;
- металлларга механик ишлов бериш бўйича буюмларни тайёрлашда технологик шартларга риоя қилинишини назорат қилиш;
- иш ўринларни ташкил қилиш ва уни технологик жиҳозларини жойлаштириш билан техник жиҳозлаш;
- компьютер технологиялари ва дастурланиши;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун технологик жиҳозларга хизмат кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш участкаларида технологик жараёнларни сифатини менеджменти техник ҳужжатларини тайёрлаш;
- технологик ва нестандарт жиҳозларни конструкциясини яратишда ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- фаолият объектларининг ҳолатини таҳлил қилиш;
- технологик тизимлар ва ускуналар синовини ўтказиш методикасини ишлаб чиқишда қатнашиш ва қўллаш қобилиятига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01


Таянч сўзлар:

машинасозлик, касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, ўқув режаси, фан дастури, бакалаврият, темир йўл транспорти, асбоб-ускуналар, металлларга механик ишлов бериш, участка, цех, ёрдамчи материаллар, технологик схемалар, ўқув жараёни, малака амалиёти, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, олий ўқув муассаси, таълим жараёни, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



20__ йил «__» _____

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Вазир ўринбосари  А.Муминов

Директор в.б.  М.Эсонов

202__ йил «__» _____
М.Ў.




202__ йил «__» _____
М.Ў.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Персонални бошқариш ва кадрларни
тайёрлаш бошқармаси

И.Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Бошқарма
бошлиғи  А.Хамролиев

Ректор  С.Турабджанов



202__ йил «__» _____
М.Ў.

202__ йил «__» _____
М.Ў.

